



“22” июнь 2021 й. № 02-06/3022

Ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчилари, блогерлар, вайнерлар, стриммерлар, “give- away” ташкилотчилари

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан интернет ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилаётган реклама ахборотларининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Охирги пайтда, ижтимоий тармоқларда реклама қилиш фаолияти (Giveaway) кескин фаоллашган бўлиб, қисқа вақтда мўмайгина пул топишнинг янги усули сифатида ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчилари орасида тезда оммалашмоқда.

Giveaway – бу блогер, мусиқачи ёки таниқли шахснинг Instagram саҳифасида ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўртасида ўтказиладиган танлов (конкурс).

Мазкур танлов (конкурс)да иштирок этишнинг асосий шарти, танлов учун махсус очилган саҳифада келтирилган ҳомийларнинг саҳифаларига обуна бўлиш ҳисобланади.

Бироқ, кўплаб ҳолатларда ваъда қилинган машина ёки бошқа ютуқлар ғолибларга берилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Ташкилотчилар ўзларига тегишли бўлмаган моддий бойликларни совға сифатида таклиф қилишмоқда. Ҳатто айрим танловларнинг рекламаларида ҳақиқий “iPhone”лар эмас, шунчаки уларнинг кутилари кўрсатилмоқда.

Give-away – рекламаси орқали машина ва ҳатто уй ҳам бош совринга қўйилиши орқали истеъмолчиларни чалғитадан ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни жойлаштириш (тарқатиш) ва амалдаги ҳолатга мос келмаслиги ижтимоий тармоқларда кескин муҳокамаларга ва салбий фикрларни билдирилишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишончлилиқ, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблар ҳисобланади.

Шунингдек, иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шарти қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини,

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: НТ38672353

уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш тақиқланади.

Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган, шахсларга, зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган нотўғри реклама тақиқланади.

Юқоридагиларга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, реклама берувчи ва тарқатувчилар томонидан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик тамойилларига қатъий амал қилишлари, рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари ва энг асосийси истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмаслик сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов

*Ижр: У.Қаюмов,
Тел: 712074600 (317)*